



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI  
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»  
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Сурхондарё вилояти

190100, Termiz shahri , Taraqqiyot ko'chasi, 42-uy, Termiz shahri, AT "Турон" bank Tel-Fax:  
(376)-22-3-24-87, 22-3-06-42, 22-3-24-75 Mail: surxonekspertiza@mail.ru [www.mc.uz](http://www.mc.uz)

Holati: Ijobiy

Direktor: Doniyorov Anvar Abdullayevich

Sana:14-04-2022 yil



**Yig'ma ekspert xulosasi № 36715**

**Obyekt nomi** «Surxondaryo viloyati Oltinsoy tumani "Navruz" MFY xududidagi ichki yo'llarni "Obod qishloq va Obod maxalla" dasturi asosida 2022 yilda joriy ta'mirlash ishchi loyixasi bo'yicha»

**Buyurtmachi** - "Surxondaryo viloyati mintaqaviy yo'llarga buyurtmachi xizmati" DUK

**Bosh loyihachi** - "Transport yo'l loyixa" MChJ

**Litsenziya** AL-001565 sonli 30.12.2020 yilda O'zbekiston Respublikasi Qurilish Vazirligi tomonidan berilgan

**Moliyalashtirish manbai** - Byudjet mablag'lari

**Bosh pudratchi** - Tanlov natijalariga ko'ra aniqlanadi

**Qurilish turi** Joriy ta'mirlash

**Murojaat raqami:** № 36529

**1. Loyihalash uchun asos**

1.1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 18-martdagi PQ-172-sonli "Obod-kishlok" va "Obod-maxalla" dasturlarini amalga oshirish chora-tadbirlari tug'risidagi qarori.

1.2. Oltinsoy tuman hokimi o'rinosi tomonidan kelishilgan va buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan nuqsonlar qaydnomasи.

1.3. Buyurtmachining tomonidan 2022 yilda tasdiqlangan loyixalash uchun topshiriq.

1.4. Surxondaryo viloyati avtomobi yo'llari xududiy bosh boshqarmasi va Surxondaryo mintaqaviy yo'llarga buyurtmachi xizmati DUK tomonidan 2022 yilda tasdiqlangan qurilish ishchilarining ish haqi, mashina va mexanizmlarning ekspluatatsiyasi, tovarlarni tashish, qurilish materiallari, pudratchining boshqa xarajatlari narxlari kelishuv bayonnomasi.

**2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar**

ShNK 1.03.01-16 talablariga mos ravishda ishlab chiqilgan ishchi loyiha.

**3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni**

Ushbu loyiha, Surxondaryo viloyati Oltinsoy tuman "Navruz" MFY xududidagi ichki yullarni "Obod qishloq va Obod maxalla" dasturi asosida joriy ta'mirlash maqsadida amalga oshirish rejalashtirilgan.

Buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan nuqsonlar qaydnomasiga asosan, joriy ta'mirlashda ko'chalar

kesimida:

- Navro'z asosiy ko'chasi L=450 m b-5,0m; Shox-1 ko'chasi L=605m b-4,5m; Istiqlol-1 ko'chasi L=860 m b-4,5 m; Mustaqillik-1 ko'chasi L=977 m b-4,5 m; Mustaqillik-6 ko'chasi L=700 m b-4,5 m; quyidagi ishlar, saralangan QShA dan tekislovchi qatlam yotqizish va ustidan bitum sepish hamda mayda donali issiq asfaltobeton qoplama qoplama yotqizish .
- Shox-2 ko'chasi L=560m b-4,5m; Istiqlol -2 ko'chasi L=490m b-4,0m; Istiqlol -3 ko'chasi L=262m b-4,0m; Istiqlol -4 ko'chasi L=405m b-4,0m; Istiqlol -5 ko'chasi L=160m b-4,0m; Istiqlol -6 ko'chasi L=100 m b-4,0m; Istiqlol -7 ko'chasi L=230 m b-4,0m; Istiqlol -8 ko'chasi L=245m b-4,0m; Mustaqillik -1 ko'chasi L=320m b-4,0m; Mustaqillik -2 ko'chasi L=180 m b-4,5m; Mustaqillik 3 ko'chasi L=230m b-4,0m; Mustaqillik 5 ko'chasi L=1090m b-4,0m; Mustaqillik 7 ko'chasi L=690m b-4,0m; Mustaqillik 8 ko'chasi L=610m b-4,0m; Mustaqillik 9 ko'chasi L=165m b-4,0m; Qaymoqli-1 ko'chasi L=1120m b-4,0m; Qaymoqli-2 ko'chasi L=1032m b-4,5m; Qaymoqli-3 ko'chasi L=165m b-4,0m kismlariga saralangan QShA dan 15 dan 20 smgacha qalinlikda asos qatlam yotqizish ishlari ko'zda tutilgan.
- Mustaqillik ko'chasi L=1400 m b-4,5 m bo'lib, saralangan QShA dan tekislovchi qatlam yotqizish va M-300 beton 18 sm qalinlikda qoplama qurish va 10 sm kalinlikda QShA dan qoplama chetlarini mustaxkamlash.

#### **4. Qurilish ishlarning davomiylik muddati**

QTL taqvimi jadvaliga ko'ra qurilish davomiylik muddati 5 oyni tashkil qiladi.

#### **4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:**

#### **5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.**

#### **6. Ekspertiza natijalari.**

6.1. *Ekspertiza jarayonida (lokal) ekspert xulosaning izohlariga muvofiq ishchi loyixani quyidagi asosiy tuzatishlar va qo'shimchalar kiritildi:*

- resurs ko'rsatkichlarining narxi (mashinalar va mexanizmlarning ishlashi transprot harajatlari, materiallar) buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan narx kelishivi bayonnomasi mavofiq to'g'irlandi.
- Qurilish tashkillashtirish loyixasi va buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan loyixalash topshirig'i taqdim etildi.

#### **6.2.Qurilish narxi sarxisobi:**

Taqdim etilgan loyixani qurilish ishlari qiymati QQS (qo'shimcha qiymat solig'i) bilan- **3 032 968.766 ming.so'mni** tashkil qilgan bo'lib, ekspertiza natijasiga ko'ra, taqdim etilgan qiymati **96 955.677 ming.so'm** miqdorida kamaytirilib-**2 936 013,089 ming.so'mga** tasdiqlash uchun tavsiya etildi, shu jmladan:

- QMI.....-2 431 480,819 ming.so'm,
- QQS.....- 364 722,123 ming.so'm,
- buyurtmachining boshqa xarajatlari.....-139 810,147 ming.so'm.

Ob'ektning umumiyligi ichida ko'chalar kesimidagi qiymati:

ming.so'mda

N p.p	Yo'llarning nomi	Smeta bo'yicha jami	Shu jumladan buyurtmachi b/x
1	Navro'z asosiy ko'chasi I-2315 m,	486 212,579	23 152,980

2	Istiqlol ko'chasi I-3132 m,	416 877,200	19 851,295
3	Mustaqillik ko'chasi I-2526 m,	372 325,058	17 729,765
4	Mustaqillik-1 ko'chasi I-1400 m,	1 041 208,049	49 581,336
5	Mustaqillik-1 ko'chasi I-4475 m,	498 953,988	23 759,714
6	Qaymoqli ko'chasi I-2317 m,	120 436,215	5 735,058

Ko'payishga buyurtmachi xarajatlarining tugirlanishi va ayrim qurilish materiallari narxlarini aniqlashtirish natijasida erishildi.

6.3. Ushbu joriy ta'mir ishchi loyihasi buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan nuqsonlar qaydnomasiga asosan tekshirildi va "Shaxarsozlik hujjatlari ekspertizasi" DUK nuqsonlar qaydnomasida keltirilgan ish xajmlarining haqqoniyligi va asosligiga javobgarlikni o'z zimmasiga olmaydi.

6.4. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021 yil 17-sentabrdagi 579-sonli qarorining 7-ilovasiga muvofiq.

- yakuniy xarajat buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilish tugaganidan so'ng nazorot o'Ichovi natijalari asosida aniqlanadi;
- ekspertizadan o'tkazish uchun taqdim etilgan xujjalarning to'liqligi, ma'lumotlarning ishonchliligi yuzasidan buyurtmachi va qabul qilingan loyixa yechimlari yuzasidan ishlab chiquvchi javobgar hisoblanadi.

## 7. Xulosalar.

7.1. Ekspertiza natijalarini xisobga olgan xolda "Surxondaryo viloyati Oltinsoy tumani "Navro'z" MFY xududidagi ichki yo'llarni "Obod qishloq va Obod maxalla" dasturi asosida 2022 yilda joriy ta'mirlash" ishchi loyixasi bo'yicha joriy ta'mirlash ishchi loyixasi bo'yicha qiymatini kelgusida ko'rib chiqish va tasdiqlashga tavsiya qilinadi.

7.2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2003 yil 6 martdaggi 261 sonli qaroriga va ShNK 04.01.06-09 asos tavsiya qilinayotgan qiymati pudrat shartnomasi tuzish uchun asos bo'la olmaydi va erkin tanlov savdosining boshlang'ich qiymatini yakuniy aniqlash huquqi buyurtmachi zimmasiga yuklatiladi.

**Bosh mutaxassis:** Gulboyev Jumanazar Mamatkarimovich

**Пудрат шартномаси**  
(Жорий таъмирлаш)

Одег-2022-77-сон

2022 йил "23" 05

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Сурхондарё мінтақавий йўлларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси номидан Низом асосида иш кўрувчи директор А.Бокиев бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган "SURXONDARYO YQT" МСНД номидан Низом асосида иш кўрувчи: **Ф.Шайимов** иккінчи томондан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартағи ПҚ-172-сонли "Обод кишлок" ва "Обод махалла" дастуриларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги карорига асосан Сурхондарё вилояти туман (шахар) хокимликлари тасарруфида бўлган ички ҳўжалик йўлларида Республика бюджет маблағлари хисобидан таъмирлаш ишлари бўйича 2022 йил учун дастлабки 05.04.2022 йилги №12 Манзилли дастурига асосан ҳамда, 19.05.2022 йилдаги № 83259 сонли лот Протокол карори 2022 йилда РЕСПУБЛИКА БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ ҳисобидан таъмирлананини белгиланган Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Наврӯз МФЙ Наврӯз ва Қаймоқли ахоли пункти №27 Наврӯз МФЙ Қаймоқли кучасини жорий таъмирлаш (Шағал коплама ётқизиш)га доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## 1. Таърифлар

### 1. Мазкур шартномада тарифлар кулланилади:

**"ижро ҳужжатлари"**: - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишли чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айrim маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда кабул килиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар:

**"курилиш майдони"**: Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегарасини ажратиб кўйилади ёки бош режага мувофик белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб кўйилади.

**"вактингчалик ишлар"**: Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вактингчалик бинолар ва иншоотлар.

**"беркитилган ишлар"**: сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

**шартномани нархини бўлиб чиқиши**: ишларнинг ҳар бир боскичи ёки турлари кийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича обьектни умумий кийматини боскичларга тақсимлаш.

## II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига лойиха-смета ва экспертиза хulosасига келишилган муддатларга асосан Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Наврӯз МФЙ Наврӯз ва Қаймоқли ахоли пункти №27 Наврӯз МФЙ Қаймоқли кучасини жорий таъмирлаш (Шағал коплама ётқизиш (Шағал Коплама Етқизиш) ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. Шартнома бўйича ишлар киймати

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг карори (19.05.2022 йилдаги № 83259 сонли лот Протокол қарори) билан тасдиқланган баенномага асосан барча соликлар, йигимлар, ККС ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **112 451 960** (бир юз ун иккى миллион турт юз эллик бир минг тукиз юз олтмиш) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар киймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- курилиш киймати ва қўпайтиришга енгиг бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;
- ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгаририлганда;
- объектнинг курилиши бир йилдан ортика ўзгаририлганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга "1a" иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камиди 50%ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

- "1a" иловага мувофик курилиш майдонига зарур курилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникаларини етказиб бериш, уларни кабул килиш тушириш омборга жойлаш ва саклаш;

- курилиш майдони худудида вактингчалик иншоотлар куриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор килиш;

- обьектда тасдиқланган лойихага мувофик курилиш-монтаж ишларини амалга ошириш;

- курилиш таваккалчилигини сугурта килиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга кабул килиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар хамда вактинчалик бинолардан шатиш:

курилиш майдонини қўрикланишини тъминлаш;

курилиш жараённида жалб килинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини тъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлик хажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (курилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

## V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофик ишларни бажариш учун ярокли бўлган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий йўл курилиш сифати техник назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни амалдаги конунчилик хужжатларига мувофик кабул килиб олишни тъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига "1б" иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул килиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш мажбуриятини олади.

## VI. Ишларни бажариш муддати

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро хисоб-китоб килинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация килган холда миллий валютада (сўмда) ўзаро хисоб-китоб килинганда шартнома конун хужжатларга мувофик рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

11. Пудратчи мазкур шартномага илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва аникланган муддатда ишларни тўлик якунлайди..

12. Курилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан **60 кунни ташкил этади.** (бажариши графикига асоссан)

13. Мазкур шартнома бўйича ишларнинг муддати хамда бажариладиган ишлар, ишларни бажариш жадвалига (1а-илова) мувофик амалга оширилади.

## VII. Тўловлар ва хисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий кийматининг 30 % миқдорида, аванс ўтказади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос хисобланади (1б-илова)

16. Буюртмачи ва Пудратчи хар ойда бажарилган ишларини "Маълумотнома-хисоб-фактура"га асрсан молиялаштирилади. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган холда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий кийматнинг 70 % гача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий кийматнинг колган кисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил хисоб-китоб курилиш тугаллангандан кейин ва объект кабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда кабул килингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар кийматининг 5% гача миқдорида, амалга оширилади:

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк хукукини ўзида сақлаб колади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳакда конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равища хабардор килган холда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлами тартибда бекор килиш хукукига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳак тўлашдан озод килинмайди.

## VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи курилиш майдонида ўз вакилини – Техник кузатувчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини текширади. Аникланган камчиликларни ўз вактида бартараф этиш бўйича барча чораларини кўради, мунтазам равища олиб борилаётган ишлар юзасидан Буюртмачи маъсул ходимларини ёзма равища хабардор килиб боради.

21. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш хукукига эгадир.

22. Пудратчи Техник кузатувчи ишлар учун жой билан тъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чогида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича ийгилишларда мунтазам равища катнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиклаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равища ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини курилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Курилиш майдонида умумий тартиби тъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

25. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тұғрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортиқча тупрок ва шалатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тұғрисидаги хужжатларни беради.
27. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тұғрисидаги далолатнома имзоланған кундан бошлаб 3 күн муддатда майдонини белгилаш бүйіча ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) килиш учун Пудратчига геодезия тарзда, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тәжілдім этади.
28. Пудратчи геодезия нұкталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тұғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари үлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тұғри жойлашганлиги учун жавоб беради.
- Агар ишларни бажариш жараённан амалга оширилган ва геодезия ишларидан хатолар аникланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.
29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларидан үрнатиладиган координатлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугалланғандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.
30. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нұкталаридан янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.
31. Пудратчи ўзи томонидан курилишда құлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналарни ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиха хужжатларидан күрсатилған спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.
32. Алохидан беркитилған конструкциялар ва беркитилған ишлар тайёр бўлишига қараб уларни кабул килишни бошлашдан 2 күн олдин Пудратчи Буюртмачини ва курилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равища хабардор килади.
33. Қабул килинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ кабул килиш далолатномалари ҳамда уларнинг курилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларидан беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.
34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтари кирилған ёзма руҳсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.
35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилған бўлса ёки у бу хақда хабардор килинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталған қисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.
- Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишиларни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошираса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар хисобланмайди.
36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилғанлигини аникласа у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш кийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилған муддатда кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилған холлар бундан мустасно.
- Агар Пудратчи сифатсиз бажарилған ишларни келишилған муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикии оқибатида етказилған заарларни Буюртмачига тұлайды.
37. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ күча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдонда курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилған жойга чиқариб ташлайди.
38. Ишлар бошланған пайтдан бошлаб улар тугалланғунча Пудратчи ишларни бажариш дафтари көрсетади. Дафтarda бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларидан ахамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг кабул килиб олинниши ўтказилған синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмасилиги билан боғлик тұхтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши тұғрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.
- Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикирини баён килади.
- Пудратчи дафтarda Буюртмачи томонидан асосли равища кўрсатилған камчиликларни 3 күн муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.
- ### IX. Ишларини кўриклаш
39. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллагунча ва курилиш тугалланған объект Буюртмачи томонидан қабул килиб олингунга кадар четлари түсилган курилиш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар курилиш техникаси ва бошка мол-мулк зарур даражада кўрикланишини таъминлайди.
40. Тикланған бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошка мол-мулклар объект қабул килиб олингандан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.
- ### X. Енгіб бўлмайдиган күч (форс-мажор) ҳолатлари
41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгіб бўлмайдиган күч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.
- Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгіб бўлмайдиган күч ҳолатлари амал килган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактда мутаносиб равища узайтирилади.
42. Агар енгіб бўлмайдиган күч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вактда чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар кўрилишини муҳокама киладилар.
43. Агар томонлар иккى ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклиди.
- ### XI. Курилиши тугалланған объектни қабул килиб олиш
44. Курилиши тугалланған объектни қабул килиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланған тартибга мувофик мазкур шартномада назарда тутилған барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилғандан кейин, шунингдек курилиши тугалланған объектни фойдаланишга қабул килиб олишнинг белгиланған коидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тұғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган буынлаб 30 кун мобайнида кабул килиб олинади.

46. Пудратчи курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V мувофик Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги иккى нусха ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тұпламини амалда бажарылған ишларга тұлық мос келишини ёзма равища тасдиқлаши керак.

47. Кабул килиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тұлық хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиха хужжатлари хамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларга мувофик бажарылған барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан курилиш учун құлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха хужжатларидан күрсатилған сертификатларга, давлат стандартларига хамда техник шартларига мувофиклигини;

- ишларни кабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нұксонларни ўз вактида бартараф килинишни;

объектдан фойдаланганда мухандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш коидаларига мувофиклигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар курилиши тугалланган объектнинг кабул килиб олиш тұғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланаб, уни бартараф этилгунга кадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдынан нұксонлар аникланса, у ҳолда кафолат муддати нұксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нұксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нұксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг иккى томонлама далолатномаларида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарылған ишларидаги нұксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада күрсатилған муддат ичиле бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бұлымида назарда тутилған кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб колиш хукуқига эга.

51. Пудратчи нұксонлар ва чала ишлар күрсатилған далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бosh торған тақдирда, уларни текшириб чиқиши курилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат килишини истисно этмайди.

## XIII. Шартномани бекор килиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактта кечикирилғанда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланған муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечикирилған ҳолда,

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидалари назарда тутилған ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилғанда;

- конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб қилиш хукуқига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилғанда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб қилиш хукуқига эга.

54. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг күшма карорига кўра тугалланмаган курилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарылған ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор килишга карор килған томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор килинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилған зарарни, шу жумладан бой берилған фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йўл кўйилмайди, конун хужжатларидан ёки мазкур шартномада назарда тутилған ҳоллар бундан мустасно.

## XV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилған зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тұғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошка конун хужжатларida хамда мазкур шартномада назарда тутилған тартибида бошқача жавобгарлика тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда күрсатилған ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вактида молияштирганлиги ва шартномада белгиланған бошка мажбуриятларни бузганилиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилған хар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган кисмининг 0,1 % миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняниңг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки күрсатилмаган хизматлар кийматининг 30% фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилған зарарни коплашдан озод этмайди.

60. Пудратчи объектни ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганилиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилған хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5% фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пеняниңг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 50% фоизидан ошмаслиги лозим.

Буортмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,5% фоиз микдорида пеня бунда пенининг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50% фоизидан ошмаслиги керак.

Пудратчи бажариш графигида 2021 йил учун белгиланган иш хажми кийматининг бажармаган кисмидан Буюртмачига 1 килорида жарима тұлади.

Пеня тұлаш Пудратчини ишларини бажарышнинг ёки хизматлар құрсатишининг кечикиши туфайли етказилган шараларни коплашдан озод этмайди

61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи хужжатларига вофик бўлмаса у холда Буюртмачи курилишда Давлат назорати инспекциясининг холосаси асосида объектни қабул килиш ва унинг учун ҳақ тұлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 20% фоизи микдорида ундириш хукуқига эта.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкари шартномани бузган томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йўкотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган заарларни коплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошкача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тұлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажарышдан озод этмайди.

#### XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

64. Шартномани бажарышда ва бекор килишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибида иктиносиди суд томонидан кўриб чикилади.

#### XVI. Алохida шартлар

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўкотади.

66. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алохидаги кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳакиқий хисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар кандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равиша тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санаасигача бажарган ишлари учун ҳақ тұлашни кечиришига ҳақлидир.

70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кўлланилади.

71. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусхада тузилди.

72. Мазкур шартнома 31.12.2022 йилгача амал киласи.

Буюртмачи:

Пудратчи:

“Сурхондарё министрлар йўлларга  
буюртмачи хизмати” давлат унитар  
корхонаси

“SURXONDARYO YQT” MCHJ

Термиз шахар Олмазор кўчаси 42-үй  
Тел: 221-26-35 Факс 221-19-22

Денов тумани Нуристон МФЙ Тошкент кучаси  
ИНН:305362646 ОКЕД 42110

ИНН: 304985647 ОКОНХ: 70220

x/p 2021 0000 0008 6891 4001

Ш/x: 304521860222017045129118006

ТИФ Миллий банк Денов филиали

Ғазначилик бўлинмаси номи: Ўзбекистон  
Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги  
Ғазна: х/в 23402000300100001010

МФО 00 845

ХККМ Тошкент ш. МФО: 00014

Ғазначилик бўлим ИНН: 201122919

Директор

А.Бокиев

Директор:

Ф.Шайимов

Ушбу шартнома мазмуни амалдаги Узбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисидағы конуни ва бошка конун хужжатлари талабларига мос холда тузилган.

23.05 2022 йил



Ф.Тураев

Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Наврӯз МФЙ Наврӯз ва Каймокли ахоли пункти №27 Наврӯз МФЙ Каймокли кучасини жорий таъмирлаш  
(Шагал коплама ёткизиш) объектининг \_\_\_\_\_ сонли шартномасига - илова

Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Наврӯз МФЙ Наврӯз ва Каймокли ахоли пункти №27 Наврӯз МФЙ Каймокли кучасини жорий таъмирлаш (Шагал коплама ёткизиш) объектининг \_\_\_\_\_ сонли шартномасига - илова

#### БАЖАРИНГ ГРАФИГИ

№	Амалга ошириладиган ишлар	Йиллар	2022 йил												Объектининг умумий киймати		
			1-квартал			2-квартал			3-квартал			4-квартал					
			январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь			
1	Курилиш- монтаж ишлари	2022	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
1	Курилиш- монтаж ишлари	2022						112 451 960.00								112 451 960.00	
	Жами			-		0,0	0	112 451 960.00	0	0	0		-	-	-	112 451 960.00	

Буюртмачи



Пудратчи



Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Наврӯз МФЙ Наврӯз ва Қаймокли ахоли пункти №27 Наврӯз МФЙ Қаймокли кучасини жорий таъмирлаш (Шагал коплама ёткизиш) объектининг \_\_\_\_\_ сонли шартномасига - илова

Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Наврӯз МФЙ Наврӯз ва Қаймокли ахоли пункти №27 Наврӯз МФЙ Қаймокли кучасини жорий таъмирлаш (Шагал коплама ёткизиш) объектининг \_\_\_\_\_ сонли шартномасига - илова

#### МОЛИЯЛАШТИРИШ ГРАФИГИ

Молиялаштириш шартлари	Йиллар	Шу жумладан ойлар												Жами
		январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	
1	2	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
Ийллик иш хажмининг ажратилган аванс маблаги	2022 йил					33 735 588,0								33 735 588
Ажратилган аванс маблагининг ойлар буйича таксимланадиган кисми	2022 йил					33 735 588,0								33 735 588
Ажратилган аванс маблагини ииобатта олиб, бажарилган ишларни молиялаштиришига ажратилган маблаг	2022 йил					78 716 372,0								78 716 372
Жами	2022 йил		0	0	0	112 451 960,0	0,0	0,0	0,0	0	0	0	0	112 451 960
Жами молиялаштириладиган маблаг														

Буюртмачи



*Рустемов Рустем*

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 83259 на приобретение Олтинсой тумани Наврӯз МФЙ Наврӯз ва Қаймоқли ахоли пункти №27 Навруз МФЙ Каймокли кучасини жорий таъмирлаш (Шағал коплама ёткизиш)**

Способ проведения электронный

Дата 19.05.2022

Время рассмотрения 18.05.2022 18:20

Конкурсная комиссия Surxondaryo mintaqaviy yo'llarga buyurtmachi xizmati DUK (Oltinsoy) Fond-2020, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	YULDOSHEV SIROJIDDIN XOLMUXAMMADOVICH	Бош мухандис	Сурхондарё МИБХ
<b>Секретарь комиссии</b>	RAXIMOV SOBIR XUDOYBERDIYEVICH	Булим бошлиги	Сурхондарё МИБХ
<b>Член комиссии</b>	TURAYEV OLIMJON JURAYEVICH	Бош мутахассис	Сурхондарё МИБХ
<b>Член комиссии</b>	ALIMARDANOV AZAMAT DILMUROD O'G'LΙ	Булим бошлиқ	Сурхондарё МИБХ
<b>Член комиссии</b>	UMAROV SANJAR INOTOVICH	Лойиха булим бошлиғи	Курулиш
<b>Член комиссии</b>	MAXMUDOV ISLOM BERDIYOR O'G'LΙ	Бош мутахассис	Сурхондарё МИБХ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объятиению на специальном информационном портале от 19.05.2022 года № лота 83259.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	Олтинсой тумани Наврӯз МФЙ Наврӯз ва Қаймоқли ахоли пункти №27 Навруз МФЙ Каймокли кучасини жорий таъмирлаш (Шағал коплама ёткизиш)
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	114 701 000.00
Стартовая сумма	114 701 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Бинарное значение

Описание: Танловда иштирок этувчи ташкилот ҳақида умумий маълумот гувохномаси, СОҲАВИЙ ҚУРИЛИШ-ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ РЕЙТИНГИда автомобил йуллари ва куприкларда рейтинг курсаткичи мавжудлиги. Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши

мавжудлиги.5 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги.(участка бошликлари ва мастерлар).Ишлаб-чикариш техника бўлимида 5 йил иш стажига эга дипломли 1 та мутахассисни мавжудлиги.Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги.Ходим

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО INTER PROF CITY STROY</b>	20	1	16	Экспертная		
" SURXONDARYO YQT" MCHJ	20	1	20	Экспертная		
<b>ООО SURXON SERVIS BARAKA</b>	20	1	18	Экспертная		
SHARQ-XULKARI XK	20	1	18	Экспертная		

Критерий №2 Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи

Тип: Бинарное значение

Описание: "Иштирокчининг банкидан картатека йуклиги хакида маълумот, Солик органларида солиқдан карзи йуклиги тугрисида тасдиқланган маълумот, Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ва ундан кўп Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги Ўтган йилда 20 млн.сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги Иш ҳақи фонди 20 млн. сўм Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициенти 1,25 ва ундан кўп Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициенти Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20 %гача миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги (хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма мабла

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО INTER PROF CITY STROY</b>	20	1	16	Экспертная		
" SURXONDARYO YQT" MCHJ	20	1	20	Экспертная		
<b>ООО SURXON SERVIS BARAKA</b>	20	1	18	Экспертная		
SHARQ-XULKARI XK	20	1	18	Экспертная		

Критерий №3 Танловдаги объектга ўхшаш обьектларда охирги З йиллик иш тажрибаси

Тип: Бинарное значение

Описание: "Охирги З йил давомида Танловдагига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига N (N- Буюртмачи бошлангич нархнинг 50%) сўм ва ундан кўп. Танлов савдодагига ўхшаш профил бўйича охирги йили ўз кучи билан бажариш. "

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО INTER PROF CITY STROY</b>	20	1	16	Экспертная		
" SURXONDARYO YQT" MCHJ	20	1	20	Экспертная		
<b>ООО SURXON SERVIS</b>	20	1	18	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
BARAKA						
SHARQ-XULKARI XK	20	1	18	Экспертная		

#### Критерий №4 Машина ва механизмлар рўйхати

Тип: Бинарное значение

Описание: Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 5 та дан кам бўлмаган? Кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизмларини мавжудлиги (ижара шартнома асосидаги қурилиш техникаларининг баллари 30% камайтирилади).Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 10 бирлиқдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларини мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО INTER PROF CITY STROY	20	1	16	Экспертная		
"SURXONDARYO YQT" MCHJ	20	1	20	Экспертная		
ООО SURXON SERVIS BARAKA	20	1	16	Экспертная		
SHARQ-XULKARI XK	20	1	18	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
"SURXONDARYO YQT" MCHJ	114 701 000.00	112 451 960.00	13.05.2022 09:51:03	19.33
ООО INTER PROF CITY STROY	114 701 000.00	114 701 000.00	11.05.2022 15:18:03	18.95
ООО SURXON SERVIS BARAKA	114 701 000.00	108 960 000.00	16.05.2022 01:18:13	19.95
SHARQ-XULKARI XK	114 701 000.00	108 700 000.00	16.05.2022 19:25:58	20.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
"SURXONDARYO YQT" MCHJ	80	19.33	99.33
ООО INTER PROF CITY STROY	64	18.95	82.95
ООО SURXON SERVIS BARAKA	70	19.95	89.95
SHARQ-XULKARI XK	72	20	92

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 83259 от 19.05.2022 года на приобретение Олтинсой тумани Наврӯз МФЙ

Наврӯз ва Қаймоқли ахоли пункти №27 Навruz МФЙ Каймокли кучасини жорий таъмирлаш (Шағал коплама ёткизиш) определила победителем:

"SURXONDARYO YQT" MCHJ  
305362646

и резервный исполнитель: SHARQ-XULKARI XK (205879922)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Член комиссии</b>	ALIMARDANOV AZAMAT DILMUROD O'G'LI	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	UMAROV SANJAR INOTOVICH	Согласен	
<b>Председатель комиссии</b>	YULDOSHEV SIROJIDDIN XOLMUXAMMADOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	TURAYEV OLIMJON JURAYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	MAXMUDOV ISLOM BERDIYOR O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП